

Лойиха олди ва лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиш ҳамда “Шахарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК хулосасини олиш ишларини тайёрлаш ҳақида пудрат  
**ШАРТНОМАСИ**

2022 йил «19» XI

Андижон шаҳри

Келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган ваҳаракатдаги Низом асосида фаолият кўрсатадиган «Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Б.Сатимбоев бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда «Лойихачи» деб юритилади ва Низом асосида фаолият кўрсатадиган «–Сув таъминоти» МЧЖ ва унинг раҳбари С.Курбонов иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар

### 1. Шартноманинг мазмуни

1.1 “Лойихачи”: Хўжаобод тумани “Бахрин” МФЙ “Ипак йўли” кўчасида 1 км ичимлик суви тармоғи тортиш, учун лойиха олди ва лойиха смета хужжатларини ишлаб чикиш ҳамда “Шахарсозлик хужжатлари экспертиза” ДУК хулосасини олиш ишларини тайёрлаш ЛОТ № 22110012203182. обьекти бўйича лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ва обьект бўйича муаллифлик назоратини ушбу ишшоот тўлиқ фойдаланишга топширилгунга қадар олиб бориш мажбуриятини, “Буюртмачи” эса ўз вактида ишларни қабул қилиб олиб, ишлар хаққини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.2 “Лойихачи”, “Буюртмачи” томонидан тақдим этилган меъморий режалаштириш (АПЗ), лойихалаш топширикларида кўрсатиб ўтилган ишларни «\_\_\_\_\_» ҳақидаги ШНК 1.02.09-15 коида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

1.3 Бажариладиган ишларга илмий, техник, иктисадий ва бошка талаблар ишларини бажариш учун техник топширикларда назарда тутилади.

1.4 “Лойихачи” томонидан бажариладиган ишларнинг муддати лойиха ишларига ўтказилган эркин танловларнинг баённомаси билан белгиланган

1.5 “Лойихачи” “Буюртмачи” нинг руҳи ишларнинг муддати лойиха ишларига ўтказилган шартномасини кутмасдан, қўшимча ички хўжалик шартномасини (шартномада белгиланмаган, лекин мазкур шартномани бажаришда амалга оширилиши лозим бўлган маҳсус тадқикот ишларига) тузишга ҳақлидир. Қўшимча ички хўжалик шартномаларини тузиш “Лойихачи” зиммасига юклатилади.

1.6 Хўжалик шартномасининг бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга руҳсат этилмайди.

1.7 Ишларни молиялаштириш ҳисобот йили учун белгиланган тартибда тасдиқланган манзилий дастурда белгиланган лимит маблағлари доирасида ва кўрсатилган молиялаштириш манбаи ҳисобидан амалга оширилади.

### 2. Томонларнинг мажбуриятлари

#### 2.1 “Лойихачи”нинг мажбуриятлари:

- “Лойихачи” “Буюртмачи” томонидан берилган техник топширик ва бошка бошлангич хужжатлар асосида ишларни бажариш;

- “Буюртмачи” билан бажариладиган ишларни (босқичлари) нинг натижаларини келишиш;

- Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг бориши ҳақида, талаб қилинган холларда “Буюртмачи”га ҳарборотжўнатиши

2.2 “Лойихачи” мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни буюртмачининг руҳесатисиз учунчи шахсга беришга ҳакли эмас.

#### 2.3 “Буюртмачи”нинг мажбурияти:

- Мазкур шартномада кўзда тутилган миқдорда ва шартларда белгиланган нархни тўлаш;

- “Лойихачи” томонидан бажарилиши лозим бўлган ишларни, мазкур шартномада назарда тутилган шартларда бажарилишини назорат қилиш;

- “Лойихачи” билан бажарилган ишлар (босқичлар) нинг натижаларини келишиш;

- Шартнома бўйича бажарилган ишларни, уларнинг мазмунини “Пудратчи”нинг розилигисиз учинчи шахсга бермаслик;

### 3. Шартнома бўйича ишларнинг нархи

3.1 Бажариладиган ишларнинг умумий қиймати лойиха ишларига ўтказилган танлов савдосининг шартнома қиймати **3600000 Уч миллион олти юз минг** Бундан “Буюртмачи” томонидан “Лойихачи”га 2022 йилда ЛСХ харажати қийматининг **30 фоизлик** миқдорида бўниак (аванс) тўлови амалга оширилади, бу **1080000 Бир миллион саксон минг** сўмни ташкил килади.

3.2 Қолган **2520000 Икки миллион беш юз йигрима минг** сўм тўлов 2022 йилда ушбу обьект учун бюджетдан ёки бошқа молиялаштириш манбаидан маблағ ажратилгандан сўнг амалга оширилади.

3.3 “Буюртмачи” “Лойихачи”дан бажарилган ишлар ҳакидаги далолатномаларни қабул қилиб, томонлар имзо чекканларидан кейин жорий молиялаштириш ишларини бажариш мажбуриятини олади

3.4 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан амалга оширилайдиган лойиха ишлари нархи ва муддати узил – кесил хисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

#### **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1 Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида баҳоланади.

4.2 “Лойихачи” томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати техник топшириқда аниқланади.

4.3 “Лойихачи” ишларни бажариб бўлгач, “Буюртмачи”га топшириш–қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб 3 та нусхада ҳужжатлар тупламини тақдим этади.

4.4 “Буюртмачи” мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини ва хисбот ҳужжатларини 30 кун муддатда қабул қилиш мажбуриятини олади ва пудратчига имзоланган, ёки асосли эътиroz билдирилган топшириш–қабул қилиш далолат-номасини жўнатади.

4.5 Бажарилган ишларни топшириш–қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6 Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, томонлар 5 иш кун мобайнида бир–бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳакида ҳабардор қилишлари шарт ва 10 иш кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чикишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган мажбуриятлар юкланди.

4.7 Ўзаро хисоб–китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳакидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

#### **5 . Томонларнинг жавобгарлиги**

5.1 “Буюртмачи” ўз вақтида олдиндан тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечиктирилган муддатга узайтирилади.

5.2 “Буюртмачи” тўлов талабномаси акцепти (қабул қилиш)ни асоссиз равишда тўла ёки қисман рад этганилиги, шунингдек хисоб–китобларнинг бошқа шакллардаги ишларга ҳақ тўлашдан бош тортганилиги (банк муасасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаслик, чек бермаслик, аккредитив бермаслик ва ҳакозо) учун “Буюртмачи” тўловдан бош тортган ёки рад этган сумманинг 0,5% хажмида пеня тулайди.

5.3 “Буюртмачи” олган мажбуриятини бажармаган тақдирда “Лойихачи” ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 % хажмида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.4 “Лойихачи” шартномада курсатилган мажбуриятини бажаришда, хизмат кўрсатишида олган мажбуриятларини бузганилиги учун “Буюртмачи”га ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 % хажмида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 %дан ортиб кетмаслиги керак.

5.5 Бажарилган ишлар(босқичлар)да камчилик ва нұксонлар пайдо бўлганда “Лойиҳачи” уларни бегараз бартараф этиш мажбуриятини олади.

5.5.Агар “Лойиҳачи” ўтган босқич учун хисоб бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

5.6.Агар шартнома шартларининг бузилиши енгиб бўлмайдиган холатлар (форс–мажор) натижасида юзага келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрлари асосида иш кўради.

5.7 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар талаб этиладиган сифатга, техник шарт (топширик) ларга мос келмаса ва иш ҳажмлари тўлиқ лойиҳа-смета хужжатларига киритилмаган ҳолда, “Лойиҳачи” ушбу ишларни ўз маблаглари хисобидан амалга оширади.

5.8 Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий–хукукий базаси тўғрисида» ги қонуннинг 25 – 32 – моддаларига асосан жавобгарлик чоралари қўлланилади.

5.9 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар шартнома шартларига мос келмаслиги, “Буюргачи” бажарилган ишлардан бош тортишга ҳақли, “Лойиҳачи”дан шартнома шартларига мос келмайдиган иш қийматининг 5% микдорида жарима ундиришга, агар бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаб кўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилишга ҳақли. Жарима тўлов талабномаси имолиялаштириш муассасасига сифати лозим даражада бўлмаган ишлар ҳақидаги далолатнома тузилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида тақдим килинни лозим. Жарима жадвалининг тўлов талабномаси белгиланган бир ойлик муддатдан кейин тақдим этилса, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.10 Агар пудратчи лойиҳа-смета хужжатларини белгиланган талаб доирасида бажармаса, лойиҳа-смета хужжатларида камчилик ва нұксонлар аниқланган тақдирда “Лойиҳачи” “Буюргачи”га етказилган зарарни тулайди. “Лойиҳачи” ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.11 Шартнома шартларини ижро этмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик, агар шартномада кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-хукукий базаси тўғрисида” ги қонуннинг тегишли моддаларига асосан жавобгарлик чоралари қўрилади.

## 6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс - мажор)

6.1 Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай колиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавоб гарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чикарган оқибат хукм сурган вақтга мосравишда оркага суриласди.

6.2 Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортик вақтга ҷўзиладиган бўлса, “Лойиҳачи” ва “Буюргачи” қурилишни давомэттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар қўришни муҳокама қиладилар.

Агар томонлар 1 ой мобайнида бир тўхтамга келаолмасалар, томонларнинг ҳар қайси шартномани бекор килинниши талаб қилишга ҳақлидир.

6.3 “Буюргачи” тўлов шартларини ўз вақтида бажармаслиги “Лойиҳачи” учун «форс–мажор» ҳолатига тенг хисобланади.

## 7. Қўшимчашартлар

7.1 “Буюргачи” 1.1.-бандда кўрсатилган обьектдан ташқари, “Лойиҳачи” томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, “Лойиҳачи” эса олинган иш натижаларидан ўзининг маңбаатлари учун фойдаланиши тақиқланади.

7.2 Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида» ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3 Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бир-бирларини 3 банк куни ичida хабардор килинлари шарт.

## 8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1 Мазкур шартнома томонлар имзо чекиб, газначилик бошкармасидан руйхатдан утганидан кейин кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча ҳақиқий хисобланади.

8.2 Мазкуршартнома 2 нусхада тайёрланади ва бир нусхадан буюртмачига, пурратчига берилади.

8.3 Шартнома 2022 йил 31 декабрга қадар ўз кучида бўлади.

#### 9. Низоларни ҳал этиш тартиби

9.1 Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор килиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўргасида вужудга келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда Андижон тумонлараро иктисодий суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан хакамлар суди томонидан кўриб чикилади

#### 10. Томонларнинг реквизитлари

##### БУЮОРТМАЧИ

“Узсувтъминот” АЖ

«Сув таъминоти ва оқава сув объектлари  
курилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК  
Андижон вилоят ҳудудий

Андижон шахри, Чинабод ко’часи 59-ий.  
Тел: 8 (374) 228-86-69 Узсаноатқурилишибанк-  
МФО-00075 X/P. 20210000700974345001.  
ИНН: 305980724. ОКОНҲУ-90213

ШХР: 301821860034017063201110073

Андижон вилояти газначилик бошкармаси.

Каз. счет: 23402000300100001010

МБББ ХККМ. г. Ташкент МФО 00014

СТИР Каз.под: 201122919

Бошкарма  
ОБЯЗАТЕЛЬСТВЕННОСТЬ  
БОЛГАРИИ

Б. Сатимбоев

Хукукшунот:

Р. Атахиров



##### ЛОЙИХАЧИ

ST “Сув таъминоти”МЧЖ

Андижон ш. Чинабод кўча 14-үй

Тел (90) 253-42-49

X/P: 20208000200189885001

“Агробанк” Андижон ш.

СТИР: 201221644

МФО: 00077,

Рахбар \_\_\_\_\_ С. Курбонов

